

Ўзбек шўро адабиётининг тўнгич авлодига мансуб Миркарим Осим 1907 йилда Тошкентда, зиёли оиласида дунёга келган. 1918 йилдан «Шамсул урфон» номи бошлангич мактабда ўқиди. 1921 йилдан Алишер Навоий номидаги республика билим юртида тахсил кўрди. Дўстлари Ойбек ва Х. Ёкубовлар билан бу техникумда адабиёт-санъат турларини ўрганди.

1926 йилда эса Москва Давлат педагогика институтининг тарих-иктисод факултетида ўдиб, уни 1930 йилда тугаллади. Самаркандда ўқитувчилар тайёрлаш курсида, 1932 йилда Ўзбекистон Маориф Халк комиссарлиги, Педагогика илмий-тадқиқот илмгоҳида ишлади.

Бошда шеърлар ёзди. Тарих фанидан қўлланма, тавсия, дарсликлар яратди. 1940 йилда Улуг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида «Астробод», «Алишер Навоий а Дарвишали», «Бадарга», «Навоийнинг хислатлари», «Улугбек ва Навоий» сингари ҳикоя ва тарихий қиссалар ёза бошлади. Адиб бир умр тарихий қиссалар ёзиш билан машғул бўлиб, янги-янги авлодларни ўтмиш ва унинг илгор шахсларига нисбатан муҳаббат руҳида тарбиялади. Ватанпарварлик, инсонпарварлик гоҳларини улуглади.

Тарихчи адибнинг асарларини даврий жихатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихимизнинг қадимги давлари ҳақида ҳикоялар (Македонский, араб халифаси, Эрон шохлари босқини).
2. Ўрта асрлар тарихидан ҳикоя қилувчи асарлар (Мўғуллар истилоси ва фан, маданият арбоблари ҳақида таржимаи ҳол, қисса ва ҳикоялари).
3. ХВИИИ асрдан то Октябр тўнтаришига қадар бўлган давр тарихий ҳаёти ҳақидаги асарлар.

Айни пайтда Миркарим Осим асарларини уч катта мавзу йўналиши бўйича таҳлил қилиш, баҳолаш мумкин:

1. Тарихий қахрамонлик мавзусидаги асарлар.
2. Тарихий-маиший мавзу.
3. Тарихий таржимаи ҳол асарлари.

Қахрамонлик мавзусига ижодкорнинг «Ўтрон», «Тўмарис», «Темур Малик», «Александр ва Спитамен» каби асарларини қиритиш мумкин.

Маиший мавзусидагиларга «Мохлар ойим ва Хонпошша», «Қарвон қўнғироғи», «Элчилар» каби асарлар қиради.

Таржимаи ҳол тарихий асарларининг намуналари қилиб тарихчи адибнинг «Зулмат ичра нур» (Навоий), «Жайхун устида булутлар» (Беруний), «Ибн Сино қиссаси», «Алжабрнинг тугилиши» (Ал-Хоразмий), «Синган сетор» (Машраб) каби қиссаларини кўрсатиш мумкин. Миркарим Осим 50-йиллар Сталин каттагонининг беғуноҳ маънавий қурбонларидан биридир. Унинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, ўтмиш тарихга муҳаббат руҳидаги асарлари ўз муаллифига қаро қўнлар олиб келди. Адиб қўп йиллар шўро режимининг азобларини чекди.

60 йилларда ватанга қайтган санъаткор тарихий асарлар ёзишда, таржимаи ҳол иши билан шугулланишда давом этади. Адабий нашриётларда қичик адабий ходим вазифаларида ишлади.

Миркарим Осим тарихчи адиблар орасида асл манбани бузмай, қайта бадиий жонлантириши билан ажралиб туради. Унинг асарлари 70-80-90-йиллар тарихий

адиблари учун асосий манба вазифасини ўтади.

Миркарим Осим кейинги авлод ёзувчилари учун кўприк вазифасини ўтаган ижодкорлардандир. Бугунги куннинг машхур ва танилиб келаётган тарихчи адиблари Миркарим Осимни ўзларининг устозлари деб биладилар.

Тарихчи адиб 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган. У 1984 йилда вафот этди.